

## ANALYSIS OF SOCIAL AND PHILOSOPHICAL IDEAS IN THE WORKS OF ALISHER NAVOI

**Khujaev Davron Nuriddinovich**

Basic doctoral student of the Faculty of Social Sciences of the National University of Uzbekistan

**Annotation.** Present article offers a philosophical examination of the manifold aspects of Alishir Navai's creative life. Also, it discusses the contemporary relevancy of the notions of justice, humanity which are found frequently in Navai's works. Navai's works are filled with philosophical speculations about the interrelation of an individual and the society, the earthly happiness, man and the community, and thoughts on education and enlightenment.

**Keywords:** morals, justice, humanity, spirituality, reason, idea, tasavvuf, being.

## АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДАГИ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ

**Хўжаев Даврон Нуриддинович**

ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети таянч докторанти

**Аннотация.** Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг серқирра ижоди фалсафий таҳлил этилган. Алишер Навоий асарларида адолат, инсонпарварлик ғояларининг ҳозирги кундаги амалий аҳамияти ва жамият ҳаётига таъсири тарихийлик тамойили асосида ўрганилган. Алишер Навоийнинг ижоди фалсафий фикрларга бой бўлиб, унда жамият ва инсон муносабати, инсоннинг бахт-саодати, комил инсон ва фозил жамоа, таълим-тарбия ҳақидаги фикр-ўйлари ўз ифодасини топган.

**Калит сўзлар.** Ахлоқ, адолат, инсонпарварлик, маънафият, тафаккур, ғоя, тасаввуф, борлик

**Аннотация.** В статье предлагает философское рассмотрение многообразных аспектов творческой жизни Алишер Наваи. Кроме того, в ней обсуждается современная актуальность понятий справедливости, гуманности, которые часто встречаются в работах Наваи. Произведения Наваи наполнены философскими размышлениями о взаимоотношениях личности и общества, земном счастье, человеке и обществе, размышлениями об образовании и просвещении.

**Ключевые слова:** мораль, справедливость, человечность, духовность, разум, идея, тасаввуф, бытие.

Навоий асарларининг мазмун-моҳиятини англаб етишда китобхон бир қатор мураккабликка дуч келади. Чунки, айрим байт, ҳикоят, тимсолларнинг асосий маъносини тўғри тушуниш чуқур тафаккур, уларнинг фалсафий моҳиятини билишни талаб этади. Шоир асарларини теранроқ ҳис қилиш учун тариқат одоби, тасаввуф моҳияти, ислом одоб-ахлоқи, сўфийлар ҳаёти, шахсияти билан боғлиқ жиҳатлардан хабардор бўлиш керак. Навоий ижодида энг асосий инсонпарварлик ва эзгулик ғояларининг ўзига ҳослик томони шундаки, ўзи яшаган давргача фаолият юритган барча мутафаккир ва ижодкорлардан фарқли равишда илоҳийлик ва дунёвийлик тамойилини уйғунлашиб кетганлигидадир. Илоҳий ғоялар, тимсоллар унинг учун инсон ҳамиша интиладиган идеал олам бўлса, дунё шу идеал оламнинг кўзгуси, ибрат ва сабоқ майдони. Зеро, инсонда коинотнинг, илоҳий оламнинг ҳикматлари, моҳияти акс этган. Айниқса, бу борадаги қарашлар “Хайрат ул-аброр” достонини асосини ташкил этади. “Неки олами куброда бор-олами суғрода бор”<sup>1</sup>, дейди Навоий ушбу достонида. Олами кубро – катта олам, яъни коинот, борлик. Олами суғро – кичик олам, яъни

<sup>1</sup> Алишер Навоий Хамса (Хайрат ул-аброр). Насрий баён. Тошкент. “Navro’z”. 2019. – 712 б.

инсон. Бундай қараш аслида Одам Атонинг яратилиши ҳақидаги ривоятга бориб тақалади. Одам Ато, Куръони каримда айтилишича, тупроқдан яратилиб, кейин унга Аллоҳ ўз руҳини юбориб, жон ато этади. Демак, инсон модда ва руҳ ёки ёки табиат ва илоҳдан вужудга келган. Шу боис инсон тийнатиининг ўзида мажоз ва ҳақиқат, илоҳийлик ва дунёвийлик мужассам.

Бу олам ягоналиги ҳақидаги ваҳдат ул-вужуд таълимотига мувофиқдир. Мутафаккирнинг “Маҳбубул-қулуб” асарида турли ижтимоий табақаларнинг жамиятда тутган ўрни, вазибалари, ўз бурчига тўғри, ҳалол муносабатда бўлиши кераклиги ҳақида сўз юритилади. Асарнинг ушбу хусусиятларини назарда тутсак, унинг бугунги кунда инсон тарбияси учун қай даражада қимматли эканлигини кўрамиз. Асарда, айниқса, тақсимот муносабатларига, уларнинг адолатли ташкил этилишига эътибор қаратилган, хусусан, хизматга яраша тақдирлаш масаласи шоирнинг диққат марказида турган.

Навоий ғазалларини ўқиганда эса реал инсоний кечинмаларнинг изҳори, шикоят ва ҳасрат оҳангининг шиддат билан оқиб келаётганлигига гувоҳ бўламиз ва бу дастлаб бизни руҳий тушқунликка сола бошлайди<sup>2</sup>. Бироқ Навоий сўзларининг кудрати шундаки, уларнинг замирида вафо ва садоқат, яъни одамийлик хислатларини тиклашга даъват бор.

Алишер Навоий – Шарқ Ренессансининг йирик намояндаси сифатида жаҳон сивилизатсияси тарихида, айниқса, туркийзабон халқлар маданияти ва ма’навий ҳаётининг ривожига алоҳида ўрин тутадиган ёрқин шахсдир. Бунга қўйидагилар далил бўла олади:

**Биринчидан**, у ўзининг гуманистик ғоялари, бадиий-фалсафий қарашлари, ўлмас шеърӣ асарлари билан инсоният тафаккури ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк шоир ва мутафаккир.

**Иккинчидан**, Алишер Навоий бутун дунё қаршисида туркий – ўзбек тилининг бой имкониятларини кўрсатиб, унинг араб ё форс тилларидан ҳеч қайси жиҳатдан кам бўлмаган гўзал тил эканини исботлаб берган буюк тилшунос олимдир.

**Учинчидан**, Алишер Навоий – буюк адабиётшунос олим.

**Тўртинчидан**, Алишер Навоий бутун онгли ҳаётини туркий халқлар нуфузини, миллий ғурур ва миллий ўзига хослигини қайта тиклашга сарфлаган буюк ватанпарвардир<sup>3</sup>. Халқаро майдонда ҳам Навоийнинг ижоди доимо юқори баҳоланган.

Навоий “Хамса”си ажодларимиз маънавий ҳолатининг кўзгуси бўлиб, унда ўтмиш даври ижтимоий турмуши, халқ ҳаёти, урф-одатлари, дин диёнат, ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашлар ўз аксини топган. Навоий “Хамса”си бир-бири билан ич-ичидан мустаҳкам боғланган бешта дostonни ўз ичига олувчи яхлит асардир. Буюк шоир унда замонасининг барча долзарб масалаларини қаламга олади. Мундарижавий дoston бўлмиш “Ҳайратул-аброр”да шоир умр, унинг мазмуни, табиат, жамият ва инсон муносабатларига доир саволларни қўйса, кейинги дostonларда муайян тақдирлар, воқеалар мисолида уларга жавоб беришга ҳаракат қилади. Алишер Навоийнинг “Хамса”га кирган дostonларида ҳам инсонпарварлик ғоялари яққол намоён бўлади. Унинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” ва бошқа дostonларидаги Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Искандар, Сукрот, Афлотун тимсолларида ватанпарварлик, инсонпарварлик каби юксак ахлоқий фазилатлар, олижаноб қадриятлар жамланган. Бу образлар алломанинги ижтимоий-фалсафий, ахлоқий ва гуманистик қарашларига мос ҳолда баён қилинади. Ҳазрат Навоий одамийлик, вафодорлик, меҳр-оқибат, халқ ғамида яшаш, унинг фаровонлиги, бахт-саодати йўлида ҳатто жонини фидо қилиш, хайр-еҳсон, ўзгаларга саҳийлик қилиш каби фазилатларни ҳамма нарсдан юқори қўяди. Мутафаккир бу билан инсонни, унинг хислатларини улуғлайди, уни бошқа жонзотлардан аъло эканлигини ишонарли тарзда исботлаб беради.

Навоийнинг ҳаёти давомида қилган ишлари, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, халқнинг турмушини яхшилашга, оғир қисматини енгиллаштиришга қаратилган савобли ва хайрли ишлари, насрий ва назмӣ асарларининг мазмун-моҳияти умуминсоний ва гуманистик руҳ билан суғорилган. Мутафаккир инсонпарварлик тушунчасига ижтимоий мазмун беради. Унингча, камтарлик,

<sup>2</sup> Комилов Нажмиддин. А.Навоий “Истадим” ғазали умумий маъно-мазмуни. Жаҳон адабиёти. 2012 йил 6-сон. 5-бет

<sup>3</sup> Xalq so’zi. Navoiy faqat turkiy xalqlarga emas, balki butun bashariyatga tegishli mutafakkir shoir, 10.02.2019

вафодорлик, нафсни тийиш, ростгўйлик, сахийлик, донолик, мухтож ва етим-есирларга ёрдам бериш, бағрикенглик, мулойимлик, ширинсуханлик, шижоаткорлик, эзгулик, меҳр-мурувват, раҳмдиллик, одамийлик буларнинг ҳаммаси инсонпарварликнинг таркибий қисми бўлиб, инсонни камолот сари етаклайди.

Яни:

“Ўз вужудунгга тафаккур айлагил,

Ҳар не истарсан, ўзунгдин истагил”<sup>4</sup>

Шунга кўра, инсон аввало ўзини, кейин Аллоҳ яратган жамики илму ҳикмат, маърифат-маънавиятини билиб, ўз Холиқини таниб, мусаффо руҳ ҳолида қайта ваҳдониятга қўшилмоғи даркор. Шу йўлда инсон ахлоқи покланади ва у комиллик даражасига кўтарилади. Алишер Навоий сохта диндорлик, диндан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш, ботиний оламга қарамай, зоҳирий расм –русумларни бажариш билан керилиш, риёкорлик, шавқатсизликни қоралайди. Инсон аввало яхши ахлоқи, ниятининг (ҳимматининг) улуғворлиги, илоҳийлиги билан инсон. Агар бундай бўлмаса, яъни киши қалбида эзгуликка, хайрга муҳаббат бўлмаса, унинг имонига ишониш қийин. Имон ботиний оламнинг тозаллиги ва бутунлиги, ҳаққа яқинлигини намоён этиб туриши керак. Шу заминда Навоийнинг бутун ижоди ақидапарастлик, диний схоластика ва жаҳолатни рад этади. Айнан ушбу мулоҳазалар бошқа ҳеч бир мутафаккир ижодида учрамаган. Диннинг фақат эзгулик йўлида хизмат қилиши лозимлигини алоҳида таъкидлаган ва шунга чақирган. Шунинг баробарида, бу масала ғоявий тарбиявий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим жиҳатлардан биридир. Шунини айтиш ўринлики, ҳазрат Навоий “Хайрат ул – аброр” достонида тасаввуф фалсафасидаги ахлоқ, хулқ-одоб қоидалари, инсонпарварлик ва одамийлик, нафсни тийиш, адолат ва маърифат, табиат ва инсонни севиш, уларни эъзозлаш, таълим-тарбия тўғрисидаги ғоялардан унумли фойдаланди.

Бу ғоялар мутафаккирнинг бошқа ғазал ва рубоийлари, дostonлари, насрий асарларига ҳам сингиб кетган. И. Ҳаққул таъкидлаганидек, “Навоийнинг тасаввуфга ёндашуви ва бу таълимотдан кўзда тутган мақсади – шахс ва миллат тақдирига масъул, юрт тараққиётига сув ва ҳаводай зарур тушунчаларнинг истиқболи учун ёниб курашган, ҳақиқатни фақат таниш эмас, ҳақиқатни севиш салоҳиятини ҳам кўзлаган мутафаккир санъаткорнинг ёндашув ва мақсади эди”<sup>5</sup>. Навоийнинг тасаввуфга нисбатан муносабатида ҳам инсоннинг ўрнини юқори даражада аҳамиятга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Мутафаккирнинг умуминсоний мазмунга эга бўлган гуманистик қарашлари ислом фалсафасидан озикланган бўлиб, аллома ўзининг асарларида унинг диний ва дунёвий жиҳатлари, зоҳирий ва ботиний томонларини ҳар томонлама ривожлантирган. Натижада шарқда гуманизм ғояларининг назарий асоси пайдо бўлди ва инсоннинг олий қадрият сифатида эътироф этишда янги ғоялар вужудга келди. Алишер Навоий асарларидаги ижтимоий-фалсафий ғоялар бугунги давр учун ҳам аҳамиятлидир.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. ХАМСА/Алишер Навоий; қискартириб нашрга тайёрловчи А. Ҳожаҳмедов; масъул муҳаррир В.Раҳмонов. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2010. – Б.17.

<sup>5</sup> Иброҳим Ҳаққул. Навоийга қайтиш. –Т.: “Фан”, 2007. –Б. 27.